



# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 24 февраль ● сешанба ● № 8 (625) ● e-mail: inson\_va\_qonun@mail.ru ● www.minjust.uz

## Юртбошимиз таъкидлари:

«...Тасаввур қилинг, биргина 2008 йилда касаначилар томонидан 34 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Касаначилик учун иш ўринлари очган корхоналар, шу борада ўзларига берилган имтиёзлар ҳисобидан 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағни тежашга эришди».



«...Такрор ва такрор таъкидлаб айтмоқчиман — биз ишлаб чиқариш корхоналари билан кооперация асосида барпо этиладиган касаначиликни ривожлантиришга қандай катта аҳамият бераётганимиз барчангизга маълум. Бу борада мамлакатимизда иш берувчи корхоналар учун ҳам, касаначилик билан шуғулланувчи аҳоли учун ҳам рағбатлантиришнинг яхлит ва таъсирчан тизими яратилган».



«...Бугунги босқичда касаначилик соҳаси бандлик ва оила бюджетини даромадларини оширишнинг кўшимча манбаига айланиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди...»



«...Айни вақтда касаначилик фуқароларни, биринчи навбатда, хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда...»



## Экинзорларни пайҳон қилманг!

### Экинни босган нонни босган билан баробар...

МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ВА ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА



**ФУҚАРО Т.Нурмуродовнинг** Ў.Нурмуродовга оид жиноят иши юзасидан чиқарилган суд ҳукмидан норози бўлиб Адлия вазирлигининг «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси таҳририятига ёзган шикоятни кўриб чиқилди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2008 йил 18

декабрдаги ажрими билан жиноят ишининг Ў.Нурмуродовга оид қисми бекор қилиниб, янгидан апелляция инстанция судида кўриш учун юборилди.

Ў.Нурмуродовга оид жиноят иши янгидан апелляция инстанциясида кўрилиб, 2009 йил 27 январдаги ажрими асосан Ў.Нурмуродовга нисбатан тайинланган 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси 3 йил ахлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилиб, Ў.Нурмуродов бу жазони ўтаган деб ҳисобланиб, дарҳол жазони ўташ жойидан озод қилинди.

Маҳаллада дув-дув гап!

Оқсоқол номуносиб бўлса...



## Адлия аралашгач...

### Алдагани бола яхши...ми?

сарсон бўлган ўқувчи салкам ярим йилда ўз жойини топди

**Адлия ИДОРАЛАРИНИНГ** инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга ошираётган ишлари фуқаролар ҳаётида ижобий акс-садо бермоқда. Навбахор туманидаги «Қоражон» маҳалласида яшовчи ногирон Ф.Болтаевнинг ўғли Феруз Тоировнинг ўқиши масаласидаги чалқашлик ва сансоларлик ҳам Навоий вилояти адлия бошқармаси аралашгач, барҳам топди.

ФЕРУЗ ТОИРОВ 2008 йилда Навбахор туманидаги 7-урта мактабнинг 9-синфини тугатиб, шифокор бўлиш ниятида ҳужжатларини Навоий тиббиёт коллежига топширган эди. Шаҳодатномасининг ўртача баҳоси 4,76 балл бўлган ўқувчи ушбу ўқув муассасасига ҳужжат топширган бўлса-да, 2-Навбахор педагогика коллежига ўқишга қабул қилин-

ганлиги тўғрисидаги хабарномани олиб ҳайрон қолди.

Педагогика коллежидан ўқиш истаги йўқлиги учун сентябрь ойида ҳужжатларини олиб, Навоий Давлат кончилиқ институтини

ҳузуридаги Навоий шаҳар 2-сонли академик лицейига топширди. Лицейнинг 1-босқичи «А» гуруҳига ўқишга қабул қилинди. Аммо ўқишни «Д» гуруҳида давом эттириши ҳақидаги кўрсатмани олгач, ҳайратланиб отасига хабар берди. Фарзанди у коллеждан бу коллежга сарсон бўлгани етмаганидек, у гуруҳдан, бу гуруҳга қоптоқдек «тепилгани» алам қилган ота вилоят раҳбарлигига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Адлия бошқармаси аралашуви билан Навоий шаҳар 2-сонли академик лицейда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари барта- раф этилиб, ўқувчи Ф. То-



иров лицей директорининг 2008 йил декабрдаги буйруғи билан аниқ фанлар техника йўналишидан ўзи хоҳлаган иқтисод йўналишига ўтказилди.

Шунингдек, камчиликларга йўл қўйган шахсларга нисбатан интизомий чоралар кўрилди. Меҳнат фаолиятида ўз ишига совуққонлик билан муносабатда бўлганлиги, йўл қўйган камчиликлари учун лицей гуруҳ раҳбари Х.Пўлатова, консултация марказ котиби Э.Абдуллаев, услубчи У. Юлдошевларга нисбатан Меҳнат кодексининг 181-моддаси, 1-бандига асосан интизомий жазо қўлланилиб, ҳайфсан эълон қилинди. Сарсон бўлган ўқувчи салкам олти ойда тенгдошлари қатори ўқишни давом эттирадиган бўлди.

**Намоз НОРҚУЛОВ,** Навоий вилояти адлия бошқармаси ходими

## Адлия вазирлигида Кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши

2008 йил якунлари ва 2009 йилги режалар

Адлия вазирлигида 2008 йил якунлари ва 2009 йилги режалар бўйича кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Адлия вазири Р.Мухитдинов олиб борди.

Унда Адлия вазирлиги ҳайъати аъзолари, вазирлик марказий аппарати бошқармалари, адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари иштирок этишди.



ТАДБИРДА Адлия вазирлигининг ўтган 2008 йил давомида мамлакатимизда қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, суд ҳужжатлари ва бошқа давлат органлари ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ва 2009 йилда адлия тизими

та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари, 374 та халқаро келишув лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, улар юзасидан ҳулосалар берилди. 255 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг сўраб фуқаролардан адлия органларига келиб тушган мурожаатлардан 1374 таси қаноатлантирилди.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳамда ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш



фаолиятини янада ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазибалари муҳокама қилинди.

Президентимизнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган вазибалардан келиб чиқиб, адлия органлари ва муассасалари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида батафсил сўз юритилди.

Хусусан, Инқирозга қарши чоралар дастурини 2009 йилда кўзда тутилган тадбирлар ва имтиёзлар асосида миллий қонунчилигимизга ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш юзасидан аниқ кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Тадбирда таъкидланганидек, 2008 йилда вазирлик томонидан жами 909

соҳасида 40 та вазирлик ва идоралар томонидан жами 814 мингта ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган бўлиб, унинг 42 мингдан ортиғи адлия идоралари ҳиссасига тўри келади.

Шунингдек, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг иш юритишдаги мавжуд ижро ҳужжатларидан 2 триллион 750 миллиард 53 миллион сўмлик ёки 85 фоизининг ижроси таъминланди.

Тадбиркорлар, фуқаролар ва хорижий инвесторларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш, шартномавий муносабатларни тартибга келтириш борасида адлия органларининг саъй-ҳаракатлари билан 84 миллиард 952 миллион сўмлик 38 минг 462 та даъво аризаси қаноатлантирилган.

“Одам савдоси – давр муаммоси”

ТДЮИда “Одам савдоси – давр муаммоси” мавзусида кўрик танлов ўтказилди. Унда ТДЮИнинг барча факультет талабалари иштирок этишди.

Танлов “Энг яхши тарғибот плакати”, “Энг яхши тарғибот буклети”, ҳамда “Энг яхши Power Point презентацияси” номинацияси бўйича ўтказилди.

Хар бир буклет, плакат ва слайдларни диққат билан кузатган ҳакамлар, талабаларнинг танловга катта масъулият ва маҳорат билан ёндашганлигини алоҳида қайд этдилар.

Кўрик-танлов хулосаларига кўра, “Энг яхши тарғибот плакати” муаллифи Насиббек Қайомжонов, “Энг яхши тарғибот буклети” муаллифи ҳамда “Энг яхши Power Point презентацияси” муаллифи Баходир Усмонов деб топилди.

Бундай танловларнинг ташкил этилиши, талабаларнинг ўз истеъдодини кўрсата олишига, дунёда кечаётган глобал муаммоларга ўз шахсий муносабатини билдира олиш қобилиятини шакллантиришга ёрдам беради.

Дилфуза ЭРГАШЕВА, “Инсон ва қонун” муҳбири

Адлия вазирлигида

Кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши

2008 йил якунлари ва 2009 йилги режалар

(Давоми. Боши биринчи бетда)

АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ 5 миң 387 та тўқимномага асосан 1 миң 33 та турли ноқонуний ҳужжатлар бекор қилиниб, ижроси тўхатилгани, ноқонуний олиб қўйилган 15 миллиард 28 миллион сўмлик маблағ ўз эгаларига қайтарилган, шунингдек, қонунбузилшларга йўл қўйган мансабдор шахсларнинг 66 нафари жиноий, 1 миң 19 нафари маъмурий ва 6 миң 126 нафари интизомий жавобгар-

ликка тортилиб, шундан 423 нафари лавозимидан озод этилган.

Ўтган давр давомида адлия органлари томонидан 453 та юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилиб, 348 та нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат реестрига киритилди.

Йиғилишда давлат ва ҳусусий нотариуслар, ФХДЭ органлари томонидан ҳисобот даврида амалга оширилган ҳаракатлар ва ҳуқуқий хизматлар юзасидан ахборотлар берилди. 2008 йилнинг сентябрь ойида тузилган Адвокатлар палатасининг мақсад ва вазифалари ҳамда ўтган давр мобайнида

амалга оширилган ишлари алоҳида қайд қилинди.

Мажлис давомида “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурида адлия органларига юклатилган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар ҳам белгиланди.

Танқидий руҳда ўтказилган Ҳайъат мажлисида айрим адлия органлари ва

муассасалари фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар тилга олинди, уларни бартараф этишга қаратилган тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати, Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар



СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУҲИМ ИНСТИТУТЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНГАН АДВОКАТУРАНИ ТАШКИЛ-ҲУҚУҚИЙ ҲИЖАТДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИНИНГ КЎРИЛГАНЛИГИ – УШУБО СОҲАДАГИ ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИ БЎЛДИ.

Мулоқот минбари

Адвокатура

фуқаролик жамиятининг муҳим институти

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 116-моддаси тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини кафолатлайди. Шунга кўра, маъзур конституциявий нормани амалга ошириш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, ўз навбатида адвокатура институтини ислоҳ қилиш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини оширишга ҳар томонлама боғлиқ.

Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони юқоридаги мақсадларни қўлга олишда суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислохотларнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланган адвокатура институтини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Шунингдек, “Адвокатура институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун асосида амалдаги қонунчиликмига киритилган янгилликлар натижасида, энг аввало, адвокатлик касбининг ҳуқуқшунослик соҳасининг ўта масъулиятли профессионал тури сифатида шакллантириши асослари яратилди.

Маъзур Қонуннинг ҳар бир нормаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, уларни муҳофаза этишда адвокатларнинг роли ва иштирокини ошириш нўқсати назардан инодаланганлиги унинг ўзига хос жиҳатини намоянэ этади. Ҳусусан, жиноят процессида адвокат иштирокининг бошланиш мўддати инсон ҳуқуқларига оид конституциявий ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларга мувофиқ янада либераллаштирилди. Жиноят-процессуал кодексининг ҳимоячи мақомига бағишланган 49-моддаси тўртинчи қисми янги тахрирда баён этилиб, унга кўра, ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушлаб турилганида эса унинг ҳаракатларини эркинлигига бўлган ҳуқуқи чекланган пайтдан бошлаб рўхсат этилади.

Бундан ташқари, жиноят ишида ҳимоячининг иштироки шарт бўлган ҳолларда (Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддаси) гуноҳ қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг илтимосига кўра ёки розилиги билан ҳимоячи тақлиф қилинмаган бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими адвокатлик тузилмаларига келиб тушган пайтдан бошлаб тўрт соат ичида ҳимоячи иштироки таъминланиши белгилаб қўйилди.

Ўз ўрнида адвокатлик мақомига эга бўлиш учун номзод шахсларнинг малакасига нисбатан янги талаблар киритилганлигини таъкидлаш жоиз. Шунга кўра, юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш ста-

Ишлаш учун хорижга

ноқонуний чиқишнинг салбий оқибатлари

Кўрақўл туманидаги 18-мактабда Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходимлари, туман ФХДЭ бўлими вакиллари, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида “Чет элга ноқонуний чиқишнинг салбий оқибатлари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

СўЗГА ЧИҚҚАНЛАР бугунги кун муаммоларидан бири бўлган одам савдоси тўғрисида фикр юритиб, унга қарши курашиш, унинг олдини олишга қаратилган ва Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида тушунча бердилар. Шунингдек, юртимизда одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи идоралараро комиссия фаолияти, одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий-психологик, тиббий, касбий реабилитация қилиш чоралари, уларга юридик ёрдам бериш, уларни ишга жойлаштириш ва бошқа вазифалар ҳақида ҳам гапирдилар.

Йиғилиш давомида ўқувчилар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоблар олдилар.

Маъфуса НОРОВА, Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими

жига эга бўлмаган ҳамда адвокатлик тузилмаларидан бирида камида олти ой мўддат амалиёт ўтамаган шахс адвокатлик лицензиясига талабгор сифатида расмийлаштирилмаслиги белгиланди. Бу эса, ўз навбатида адвокатлик касбининг мутахассислиги бўйича профессионал ва маҳоратли шахслар томонидан эгалланиши учун хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, “Адвокатура институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳамда бугунги кунда суд-ҳуқуқ ислохотларининг долзарб вазифаси ҳисобланган адвокатура ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан тақомиллаштириш чоралари қўрилганлиги – мамлакатимизнинг демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти бўлиб этиши йўлида оғишмай йилгарилаб бораётганлигини яна бир бор тасдиқлади.

Шерзод БАҲРОНОВ, Адлия вазирлиги ҳуқуқдаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан Мониторинг йиғилиш марказининг етакчи маслаҳатчиси

Фаол тарғибот

Биз одамлар орасидамиз

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2006 йил 22 сентябрдаги “Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг февраль ойи давомида Адлия вазирлиги ташаббуси билан вазирлик ва унинг барча ҳудудий бошқармаларида “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажақдаги режалар” мавзусида тадбирлар ташкил этилмоқда.

ҲУСУСАН, Андижон вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида журналистлар иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги



ўрганиш институти ходимлари, вилоят адлия бошқармасининг нотариат, ФХДЭ ва адвокатура ишлари бўйича масъул ходимлари, марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Тадбир давомида адлия органлари ва муассасалари билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги алоқалари янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқий мавзудаги материалларнинг ҳуқуқ нўқсати назардан тўғри тайёрланишини таъминлаш, мутахассислар билан ҳамжиҳатликда ишлаш, адлия тизими фаолиятига оид ма-

териалларнинг сифатини яхшилаш, бу борадаги ютуқ ва мавжуд камчиликлар, истиқболдаги режалар ҳақида фикр алмашилди.

Анжуман иштирокчилари Андижон вилояти адлия бошқармаси ва унинг ҳудудий тизимлари томонидан Конституция ва қонунлари-

бошқармаси ходимлари томонидан 3380 мартаба ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган. Шулардан 357 таси оммавий ахборот воситалари орқали чиқилган, 2971 таси оғзаки ва 50 таси кўрғазмали ҳуқуқий тарғибот ишларини ташкил қилади.

Анжуман иштирокчилари ҳуқуқий тарғиботни янада жонлантириш, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида бир қатор амалий тақлиф ва мулоҳазаларни ҳам ўртага ташладилар.

Наманган муҳандислик-педагогика институти қошидаги “Дўстлик” академик лицейида бўлиб ўтган матбуот анжуманида эса марказий ва маҳаллий нашрларда ёритилаётган ҳуқуқий мавзудаги мақолалар мазмундорлигини янада яхшилаш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқшунос мутахассисларнинг кўпроқ чиқишларини ташкил этиш лозимлиги қайд этилди.

Матбуот анжуманида сўзга чиққан иштирокчилар, жумладан куйидаги фикр-мулоҳазаларни билдиришди:

Н.Дармонов, “Наманган ҳақиқати” вилоят газетаси бош муҳаррири ўринбосари:

— Омма ўртасида ҳуқуқий



лияти акс этган диаграмма-лар асосида тайёрланган видео-слайдлар билан танишдилар.

Ташкил итисодий фаолият “Миллий банки”нинг Фарғона вилояти филиалида ўтказилган матбуот анжуманида таъкидландики, яқунланган 2008 йил давомида Фарғона вилояти адлия

тарғибот ишларини кенг қўламада олиб боришга тармоқ ва тижорат нашрлари ҳам маълум даражада жалб этилса, айна мўддоо бўларди.

А.Мамажанов, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи:

— Ҳуқуқий тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш ва янада тақомиллаштириш учун, аввало, ҳуқуқий мавзудаги телекўрсатувлар, радиодуштурлар, матбуот чиқишлари юзасидан ҳар бир вилоятда мукамил ишлаб чиқилган дастур бўлиши лозим. Шунингдек, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан алоҳида веб сайт очилса, кишилар интернет орқали маъзур сайтга кириб, ўз билимини ошириш, олиб борилган ҳуқуқий тарғибот ишлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади.

Шухратбек МУСАЕВ, Хуршид СУЛТОНОВ, Абдуқошим МАДАТОВ, “Инсон ва қонун” муҳбирлари

Тизим тадбирлари

Аҳилликда ҳикмат кўп

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ номидаги маҳалла фуқаролар йиғини Янгиер шаҳридаги кўркем маҳаллалар сирасига қиради.

МАЪЗУР масканда 100 дан зиёд миллат вакиллари аҳил-иноқ истиқомат қилиши баробарида, бу ерда тез-тез ўтказиладиган турли тадбирлар, кечалар алоҳида таҳсинга лойиқдир. “Гийҳвандлик — аср вабоси”, “Мустақиллик ҳимояти”, “Ўйларимиз ва ўйларимиз” каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Яқинда яна бир тадбир — вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан “Одам савдосига қарши кураш — барчаннинг бурчи” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ҳокимлиги мутахассислари, прокуратура, шаҳар ИИБ раҳбар-ҳодимлари ва МФЙ фаоллари иштирок этдилар ва маҳалла аҳлига мавзу юзасидан тушунтириш бердилар. Ўз навбатида катнашчиларнинг саволларига жавоблар қайтарилди.

Рашида СОЛИБЕВА, Янгиер шаҳар ФХДЭ бўлими мудир

Транспорт воситаси ва суғурта

АСАКА ТУМАНИ “Нисёботир” қишлоқ фуқаролар йиғинида қишлоқ ва маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик иштирокида “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳиятига бағишланган семинар-йиғилиш ўтказилди.

УНДА мажбурий суғуртани амалга ошириш шартлари ва тартиби, суғурта ҳодисаларида зарарнинг ўрнини қоплаш, компенсация тўловлари, мажбурий суғурта бўйича тўловларни қафолатлаш масалалари ҳақидаги маърузалар тингланди.

Шунингдек, мутахассислар томонидан мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчининг ёки мажбурий суғурта шартномасида қўрсатилган транспорт воситаси бошқа эгасининг фуқаролик жавобгарлиги суғурталаниши мўмкинлиги, суғурталовчи, суғурта қилдирувчи, суғурта ҳодисаси ва суғурта муқофоти каби атамалар йиғилиш қатнашчиларига ҳаётий мисоллар асосида тушунтириб берилди.

Қамолитдин ЖАЛОЛИДИНОВ, Андижон вилояти адлия бошқармаси ходими

Чақирув савияси оширилади

АРНАСОЙ ТУМАНИДАГИ, “Фориш” маҳалла фуқаролар йиғинида Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қўдрларида муқаддас ҳарбий хизматини ўташ шарт-шароитларини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазмун-моҳиятига бағишланган семинар ўтказилди.

УНДА 2009 йилги чақирувни юқори савияда ўтказиш, ҳар бир чақирув пунктларида тиббий ҳамда чақирув комиссияларининг самарали фаолият олиб бориши, муқофолар ишлари бўйича ҳудудий органларнинг жамоатчилик ташкилотлари билан биргаликда фуқароларнинг Қуролли Қўдрлар сабига навбатдаги чақирувга мўносиб тайёргарлик қўриш ҳамда уни юқори савияда ўтказиш мақсадида мактаблар, лицей ва коллежларда ота-оналар билан учрашувлар, ёшларда ватанпарварлик туйғусини оширишга қаратилган тадбирлар режаси тузилиши лозимлиги ва ушбу режалар асосида ота-оналарнинг бугунги кун Қуролли Қўдрларимиз ҳақидаги фикри, уларнинг муносабатларини ўрганиш, муаммоларини ечиш каби масалалар атрофида муҳокама этилди.

Бекзот МАВЛОНОВ, Навоий вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Сайдулло ТўРДИБОВ, Арнасоий тумани давлат нотариал идораси нотариуси

Экинзорларни пайҳон қилманг!

Экинни босган нонни босган билан баробар...

БУГУНГИ КУНДА қишлоқ ҳўжалиги экинзорлари пайҳон қилинишининг олдини олиш, экинларнинг нобуд бўлиши ҳолатларига қарши курашишни кучайтириш асосий вазифаларимиздан бирига айланган.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА 2008 йил ҳосилининг пайҳон ва нобуд қилинишига доир 1600 тадан зиёд ҳолат аниқланганлиги бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада оширишга ундайди.

Амалдаги қонун ҳужжатлари талабидан келиб чиқиб, кечиктириб бўлмайдиган куйидаги тадбирларга эътибор қаратишимиз муҳим, албатта:

— экинларнинг пайҳон ва нобуд қилиниши ҳолатлари содир этилиши мўмкин бўлган қишлоқ ҳўжалиги экин майдонлари атрофини тўсиш бўйича зарур чора-тадбирлар қўриш;

— экинзорлар қўллаб пайҳон қилинган жойларда, ердан фойдаланувчиларни жалб этган ҳолда кузатиш постлари ташкил қилиш;

— дала назоратчилари иш самарадорлигини ошириш, уларга экин майдонларини айланчи чиқишлари учун ҳўжаликлар томонидан зарур миқдорда миниладиган отлар ажратилишини таъминлаш;

— чорва молларининг фақат махсус ажратилган жойларда ўтлатилиши устидан қатъий назорат ўрнатилиши, уларнинг экин майдонлари четларида ўтлатилишини

қатъиян тақиқлаш; — ички ишлар органларининг вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда, жамоатчиликнинг саъий-ҳаракатлари билан қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ва фермер ҳўжаликлар раҳбарлари томонидан экинзорларнинг пайҳон бўлиши ҳолатларини аниқлаш ва бундай қоидабузилшларнинг олдини олиш бўйича мунтазам рейдларнинг тизимли асосда ташкил этиш;

— экинзорларнинг пайҳон ва нобуд қилиниши ҳолатлари аниқланган тақдирда чорва моллари,

автотранспорт, қишлоқ ҳўжалиги техникаси ёки экинзорларни пайҳон ва нобуд қилишнинг бошқа воситалари эгаларини аниқлаш юзасидан тезкор чора-тадбирлар қўриш ҳамда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган жиноий жавобгарликка ҳўлган чораларни қўриш учун материалларни тегишли органларга тақдим этиш.

Энг муҳими, аҳоли ва кенг жамоатчилик ўртасида экинзорлар пайҳон қилинишининг олдини олиш ҳамда экинзорлар пайҳон ва нобуд қилинганлиги учун жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тушунтириш ишларини янада кенг қўламада ташкил қилишимиз зарур.

Навоий вилоятида ҳам адлия,


ички ишлар, қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармалари ҳамда “Маҳалла” хайрия жамағармаси ҳамкорлигида аҳолининг кенг қатламлари ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориламоқда. Шу мақсадда вилоят идоралараро ҳамда туманлар кесимида Ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, белгиланган режа-жадвалга асосан ҳар бир тумандаги маҳаллаларда бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, Хатирчи ва Қарман, Қўзилтепа ва Навбахор туманларининг барча ҳудудларида ана шундай учрашувлар ўтказилди.

Ишчи гуруҳлари таркибида адлия, ички ишлар, қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармалари, вилоят телевидениеси ва радиоси, савдо-саноат палатаси, туман ҳокимликлари вакиллари, ҚФЙларнинг раҳбар ва масъул ходимлари қатнашмоқда.

Учрашувлар ўтказилишидан олдин ҳар бир ҳудуддаги экин майдонлари кўздан кечирилиб, аниқланган камчиликлар маъзур тадбирлар жараёнида муҳокама қилинмоқда.

Бу йўналишдаги фаолиятимизни яна бир бор таҳлил қилганимизда шу нарса ойдинлашадигани, ҳали олдинда амалга оширишимиз зарур бўлган вазифалар кўп.

Таъкидлаш лозимки, ҳар бир ташкилот, муассаса ёки ҳар бир



# Хатларда ҳаёт бор...

ҲАР КУНИ таҳририятимизга кўплаб хатлар келади. Улар билан танишар эканмиз, барчасининг мазмунида газетамизга бўлган эътибор, мулоҳаза ва таклифлар кимнидир қизиқтиришига ишонч, ўзини ўйлантираётган савол ёки муаммо таҳририят кўмагида ечим топишига умид ва интилиш аксини кўраемиз.

Куйида эълон қилинаётган мактубларни ўқиб, буни сиз ҳам ҳис қиласиз, деб ўйлаймиз. Хат ортида ҳаёт бор, эҳтимол бу фикр-мулоҳазалар сизнинг ҳам дилингиздан кечаётгандир.



## “Ишонч телефони”га ишонаман

**ХАЛКИМИЗДА** “Етимнинг ҳаққи етти тошни ёрар” деган мақол бор. Аммо баъзи кимсалар ўзгалар кўмагига муҳтож бўлган етим ёки ногиронлар ҳақидан ҳам ҳазар қилмайдилар. Ота-онасиз қолган неварам Ёдгоржон Абдуллаевга Навоий шаҳридаги 2-сонли академик лицей томонидан стипендия берилмаётганидан ташвишда эдик. Бу ҳақда Навоий вилояти адлия бошқармасининг “Ишонч телефони”га мурожаат қилишга мажбур бўлдим.

АВВАЛО, мурожаатимга эътиборли бўлишганидан қувондим. Тез кунда вилоят адлия бошқармасидан хат олдим. Унда вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасига киритилган тақдимномага асосан неварамга 529.754 сўм миқдорда тўлов тўланганлиги, давлат таъминотида бўлган неварамнинг ҳақига нисбатан қилган бу хатти-ҳаракати учун академик лицей

бош ҳисобчиси Л.Бобоқолов, директор ўринбосари Г.Менглиеваларга “ҳайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилганлиги баён қилинган эди.

“Ишонч телефони”га ишончим ортди. Биздан кўмагини аямаган вилоят адлия бошқармаси ходимларидан миннатдорлигимни газета орқали билдириб кўясиз, деган умиддаман.

**Махфуза ХАЛИЛОВА,**  
Кармана тумани  
А.Икромов  
кўчаси, 7-уй



**2009 ЙИЛНИНГ “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”** деб аталishi биз каби фермерлар зиммасига катта масъулият юклайди. 227 гектар ер ишониб топширилган фермер хўжалигимиз ҳар йили шартнома режасини ортиги билан уддаламоқда.

## Мени ким эшитади?

**УЗОҚ ЙИЛЛАР** ҳисобчи бўлиб ишладим. Кейинчалик касалликка чалиниб, шифохонада анча даволандим. Бир дард келса, кетма-кет келавераркан, уч маротаба жарроҳлик операциясини бошдан кечирдим. Даволаниш учун қанча маблағ зарурлигини кўпчилик яхши тушунади, деб ўйлайман.

АЙНИ ПАЙТДА 2-гуруҳ ногирониман. Лекин буни 2001-2004 йиллар давомида Денов туманидаги “Ғалаба” жамоа хўжалигида ишлаган 4 йил муддат учун белгиланган иш ҳақимини неча йилдан буюн беролмаётган мутасаддиларга тушунтиришимнинг ҳеч иложини тополмаяман. Шу йиллар давомида қилган мурожаатларим бесамавр кетяпти. Ахир, мен улардан ёрдам пули эмас, ўз ойлик маошимни тўлашларини илтимос қилиб келяман-ку. Қолаверса, мен бир бемор, ногирон киши бўлганим учун дори-дармонга пул жуда зарур-да.



### Хурматли таҳририят!

“Инсон ва қонун” газетаси кўпчиликка қонуний ёрдам бераётганини ўқиб, бу нашр инсонларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган газета, деган умид уйғонди. Илтимос, иш ҳақимини ундириб олишим, дори-дармон харид қилишда бир пайтлар меҳнат қилиб яратган ўз имкониятимни тиклашимда кўмаклашиб юборсангизлар.

**Муҳаббат РАҲИМОВА,**  
Денов тумани,  
«Шомоли» маҳалласи

нинг имкониятларини бундай чеклаш эса ҳеч бир қонун-қоидада тўғри келмайди-ку! Бизни ўйлантираётган бу муаммага ечим топишда таҳририятнинг кўмагига таянишдан умид қилиб шу хатни йўлладик.

**Мамат ХОЛЛИЕВ,**  
Косон туманидаги  
“Шодмон Холли Бобо”  
фермер хўжалиги раиси



## Муаммонинг ечими борми?

МАНА, 2008 йил якунларига назар ташлайдиган бўлсак, давлатга 511 тонна сифатли пахта Ҳомашёси сотдик. Шундан 127 тоннаси уруғликка қабул қилинди. Фермер хўжалигимизда 80 нафар киши меҳнат қилади. Қулмурад Кўзибоев, Келдиёр Хушмуродов каби аъзоларимизга фермер хўжалиги ҳисобидан уй қуриб бердик. Ёш оилалардан Аскар Раимовга ҳам янги уй қалитини топширдик.

Жорий йилда далаларимизда ғалла етиштиряямиз, чигит экиш учун ерлар хозирлаб қўйилди. Шундай пайтда банк бизга 3 фоизли имтиёзли кредитни ханузгача бермай келаяпти. Айни пайтда ҳисоб рақамимизни бошқа банкка кўчиришни талаб этмоқда. Ахир, банкни миҳозонинг ўзи танлайди-ку! Етти йил бурун “Савдогар-банк”ни танлаб сўзимизда қатъий турибмиз. Фермер-

## Тадбиркорга тўсиқ бўлманг!

# Кенгаш рухсатсиз текшириш ўтказилган


ўтган йили назорат органлари томонидан 56 та рухсатсиз текшириш, 692 та текширишларнинг белгиланган тартибини бузиш ҳоллари қайд этилди

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2003 йил 27 августдаги 370-сонли қарори** билан Адлия вазирлиги зиммасига назорат органлари ўтказилган текширишларнинг қонунийлиги устидан назоратни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш чора-тадбирларини кўриш юклатилган.

АМАЛДАГИ қонунчиликка кўра, хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган ҳар қандай текширишлар назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш ва унинг ҳудудий комиссиялари розилиги асосида амалга оширилиши белгиланган. Бироқ шунга қарамайдан, ўтган 2008 йил давомида назорат органлари томонидан 748 та ҳолатда ноконуний текширишлар ўтказилган. Шундан, 56 таси рухсатсиз текшириш, 692 таси текширишларнинг белгиланган тартибини

бузиш ҳолларини ташкил этади.

Масалан, Наманган вилояти, Уйчи тумани ДСИ томонидан “Жасурбек” хусусий фирмасида Кенгаш рухсати олинмасдан, текшириш ўтказилган. Мазкур қонунбузилиш ҳолати юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан туман ДСИ ходими М.Мамадалиевага нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 241-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилди ва жиноят ишлари бўйича Уйчи тумани суди қарори



ҳолати юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоят ветеринария бошқармасига тақдимнома ва “...текшириш натижалари бўйича расмийлаштирилган хужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда ноконуний текширишлар натижасида етказилган моддий зарарларни айбдорлардан ундириш ҳақида” фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

**Хушнуд КАРИМОВ,**  
**Шерзод АМИНҚУЛОВ,**  
Адлия вазирлиги  
масъул ходимлари

## ТЕНДЕР САВДОЛАРИ МУДДАТИНИНГ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги № ПҚ-672-сонли Қарорига асосан аввал эълон қилинган тендерлар бўйича таклифларини қабул қилиш муддати узайтирилганлигини маълум қилади:

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2009 йил 24 март Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.**

Корхонанинг номи	Манзили	Сотиладиган улуш (%)	Бошланғич нархи (минг АҚШ долл.)	Инвестиция мажбуриятлари (минг АҚШ долл.)
“Кўкон спирт” ОАЖ	Фарғона вил. Кўкон ш.	47,00	8159,0	3000,0
“Самарқандкимё” ОАЖ	Самарқанд вил.	100,00	20 506,0	7 300,0
“Марказий” меҳмонхона мажмуаси	Тошкент ш.	100,00	40 183,3	25 292,4
“Tashkent Palace” МЧЖ ҚҚ	Тошкент ш.	99,00	37 000,0	17 160,0
“Ўзбеккумир” ОАЖ	Тошкент ш.	35,55	30 579,8	232 000,0
“Ўзпахтамаш” ОАЖ	Тошкент ш.	50,00	6 567,5	5 500,0
“Сарбон-Нефтгаз” ОАЖ	Тошкент ш.	25,00	763,2	800,0
“Ўзнефтгазқудуктаъмирлаш” ОАЖ	Бухоро вил.	23,00	5 180,2	10 150,0
“Жиззах пластмасса” ОАЖ	Жиззах ш.	57,70	3 630,0	5 000,0
“Нақлгазмахсускурилиш” ОАЖ	Тошкент ш.	20,00	2 302,0	700,0
“Косон-1 пахта тозалаш” ОАЖ	Қашқадарё вил.	26,00	1 898,8	энг юқори
“Гурлан пахта тозалаш” ОАЖ	Хоразм вил.	26,00	1 222,6	энг юқори
“Ходжабадское управление технологическим транспортом” ОАЖ	Андижон вил.	25,00	376,053	240,0
“Нефть ва газ қудуқларини синаш” ОАЖ	Қашқадарё вил.	22,90	1 981,7	400,0
“Нефтгазтаджиқот” ОАЖ	Бухоро вил.	25,00	110,0	940,0
“Қашқадарё технологик транспорти” ОАЖ	Қашқадарё вил.	25,00	3 600,0	2 000,0
“Тошкент иссиқлик электр станцияси” ОАЖ	Тошкент ш.	47,00	7 350,0	135 700,0
“Чимбай май” ОАЖ	Қорақалпоғистон Республикаси	14,24	198,3	738,0
“Гидромахсускурилиш” ОАЖ	Тошкент ш.	69,00	2 100,0	2 180,0
Бухоро вилояти “Қишлоқхўжаликимё” ҳудудий акциядорлик жамияти	Бухоро вил.	25,00	494,7	1 293,2 миллион сўм
Навоий вилояти “Қишлоқхўжаликимё” ҳудудий акциядорлик жамияти	Навоий вил.	25,00	284,0	1 56,3 миллион сўм
Жиззах вилояти “Қишлоқхўжаликимё” ҳудудий акциядорлик жамияти	Жиззах вил.	25,00	911,0	496,1 миллион сўм
Хоразм вилояти “Қишлоқхўжаликимё” ҳудудий акциядорлик жамияти	Хоразм вил.	25,00	683,0	113,3 миллион сўм
Фарғона вилояти “Қишлоқхўжаликимё” ҳудудий акциядорлик жамияти	Фарғона вил.	25,00	821,0	1 225,0
“Чиноз” дам олиш маскани	Тошкент вил. Чиноз тум.	100,00	250,0	1 000,0
“Лайнер” дам олиш маскани	Тошкент вил.	100,00	796,8	180,0
“Шаршара” болалар соғломлаштириш оромгоҳи	Наманган вил.	100,00	249,0	142,5

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийлигини сақлаш тўғрисидаги Билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Ушбу ҳолда информатсион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер хужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки кўмитасига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийлигини сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи хужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олинishi мумкин.

Тендер хужжатлари учун белгиланган тўловни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг куйидаги ҳисоб рақамларидан бирига ўтказиш лозим:

Валюта рақами № 20203840500600289001

Ҳисоб рақами №20203000600600289001

“Ипак йўли” АИКБ, Тошкент ш., Фарход кўч., 12- “А” уй

ИНН 201122696, Банк коди 00444, S.W.I.F.T. код: INIPUZ22

Тендер таклифлари очилиши 2009 йил 24 мартда Тошкент вақти билан соат 16:00да, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг мажлислар залида (5-қаватда) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича куйидаги манзилларга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Кимёсаноят соҳаси корхоналари бўйича:	Пахтаसानоят ва нефть-газни қайта ишлаш корхоналари бўйича:
Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш Бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 100003, Ўзбекистон шохқўчаси, 55-уй	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 100003, Ўзбекистон шохқўчаси, 55-уй
Давлат мулки кўмитаси биноси, 17,01-хона	Давлат мулки кўмитаси биноси, 15,01-хона
Бош директор в.б. Аҳмеджанов Халил Ҳакимжанович эътиборига, Телефон: +998 (71) 259-22-51	Бош директор Набионов Саъдуллаҳон Ҳамидуллаҳонович эътиборига, Телефон: +998 (71) 259-22-23
Факс: +998 (71) 259-22-79	Факс: +998 (71) 259-21-42
Эл. Почта: ccpbuz@tps.uz	Эл. Почта: eibb@tps.uz

Дам олиш масканлари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бўйича: Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг Бош бошқармасига, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 100003, Ўзбекистон шохқўчаси, 55-уй. Маматов Одилжон эътиборига, Телефон: +998 (71) 150 72 13, Факс: +998 (71) 259 20 72, Эл. Манзил: www.gki.uz

Эхтиром

ЭЙ УМРИ АЗИЗ

Маҳаллада дув-дув гап!

МУДҲИШ офат-ёқини оқибатида келиб чиққан моддий ва маънавий зарар ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш

давлат миқёсидаги муҳим вазифадир



ҲОЗИРГИ КУНДА республика иқтисодиётининг ёқилги-энергетика, кимё sanoати, транспорт ва бошқа асосий sanoат тармоқлари корхоналарида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котиби, тоифаланган объектларнинг хавфсизлигини ташкил этишни назорат қилиш бўйича Республика идоралараро комиссияси раҳбари томонидан жорий йилнинг 26 январиди тасдиқланган йиғилиш талаблари ижросини таъминлаш масалалари юзасидан Чирчиқ шаҳрида яқинда бўлиб ўтган "Ута муҳим ва тоифаланган объектларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг барқарор фаолият кўрсатишининг асосий омилли" мавзусидаги ўқув-семинарда олиб борилган ишлар би-

лан бир қаторда келгуси чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М.Мирфайзиев ўз маърузасида бугунги кунда харбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмлари фаолият кўрсатаётганлиги, ёнғинга қарши юқори даражадаги техник қуроллар билан таъминланганлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, сўзга чиққанлар ёнғинга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда ОАВлардан унумли фойдаланиш ижобий натижа бераётганлигини қайд этдилар. Семинар якунида ёнғин хавфсизлиги ходимлари замонавий техник қуроллари ва маҳоратларини намоён қилдилар. Фарида ҚОРАҚУЛОВА, "Инсон ва қонун" мухбири



ИНСОН УМРИ... Бу ҳақда ёзилган, айтилган фикрлар дунё кутубхоналаридаги китоблардан-да кўпроқ маъно беради. Биз бировнинг тўйида ният қиламизки, "Мен ҳам уйил-қизларимнинг тўйини кўрай" деб, агар юбилей таптанасида ўтирган бўлсангиз "Мен ҳам шу ёшга етай" дейсиз, ёшингиз улуг бўлса "Сен ҳам менинг ёшимга етиб юргин" дея дуо қиласиз.

ҲАМКАСБИМИЗ, тахририятнинг Жиззах вилояти бўйича мухбири Тўлқин Янгибоев ўзининг олтимишинчи баҳорини қаршиламоқда. Тўлқин акани тахририятимизнинг энг кека ходими деб эмас, "тахририятнинг энг жўшқин одами" деб биламиз.

Тўлқин акада жуда катта ҳаёт мактаби, тажрибаси борлигини, ёшларга устоз, ҳамкасбларга маслаҳатчи, кўпгина хайрли ишларга бош-қош бўлиб юришини ҳаммаимиз яхши биламиз. Ҳамкасбимиз ўз ҳудудининг тарихи, этнографияси, руҳиятини яхши билади. Жиззах ва Жиззахликлар ҳақида гап кетса, у кишини тўхтатишининг ўзи бўлмайди. Тўлқин ақанинг "ўртоқ бошлиқ", деб мурожаат этишини кўп эслаб қулиб юрамиз. Узидан ёшларга ҳам эркалаб "ўртоқ бошлиқ", дейди. Бу, албатта, бизга Тўлқин Янгибоевнинг тахририятга ишга келгунига қадар 25 йилдан ортиқ вақт Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармасида қатор масъул лавозимларда ишлаганлигини, "уставной" одамлигини эслатиб туради. Т.Янгибоевнинг таржимаи холига эътибор қилсангиз, Тошкент кишлоқ хўжалик институтини, сўнгра ИИВнинг Тошкент Олий милиция мактабини битирганлигини билиб, ўз устиди тинмай ишлаши, ҳамон дунёни англашда билим излашини сезасиз. Тўлқин ака тўрт ўғил, бир қизининг отаси, 11 набиранинг бобоси, ҳамма ҳавас қиладиган оддийгина, дилкаш, хушчақ одам. Биз ҳамкасбимизга узоқ умр, куч-гайрат тилаймиз.

ТАХРИРИЯТ

ЭЪЛОН!

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги Нукус шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуслик лавозимига; Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуслик лавозимига; Сирдарё вилояти адлия бошқармаси Янгиер шаҳар 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуслик лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

- 1. Комиссия номига ариза; 2. Насорат нусخаси; 3. Бежарилиган шаклда тўлдирилган шартнома; 4. Мехнат шартномасининг нотариал тасдиқланган нусхаси; 5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси; 6. Охири иш жойидан берилган меҳнат шартномасининг нотариал тасдиқланган нусхаси; 7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уш шартномада нотариус лавозимда иш бошлаган танловда иштирок этишлари мумкин.

Танловда катнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомда Қорақалпоғистон Адлия вазирлиги ва тегишли вилояти адлия бошқармаларига мурожаат этишлари лозим.

Қорақалпоғистон Адлия вазирлиги телефонлари: (8-361) 223-15-82, 223-81-27 Тошкент шаҳар адлия бошқармаси телефонлари: (8-371) 269-14-45, 262-70-41 Сирдарё вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8-367) 225-09-69, 225-01-55, 225-40-96

Фармон ва ижро

Фаолият эркинлиги

асоссиз аралашувларга чек қўйиш билан таъминланмоқда

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2005 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизimini тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда қўли билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда қўли билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилади.

ЯНГИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатида олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмастлигининг қатор афзалликлари бор. Бу, аввало, назорат идораларининг тадбиркорлик субъекти фаолиятига асоссиз аралашувини чеклади, яъни қисқартирди. Шу билан бирга хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўла ҳимоя қилиниши таъминланмоқда. Ҳозирги кунда Президентнинг "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизimini тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва янги тахрирдаги Солиқ кодекси тарғиботида оид 10 дан зиёд семинар ўтказилди. Уларда хўжалик юритувчи субъектларнинг 1300 нафардан зиёд вакиллари иштирок этишди. Назорат қилувчи органлар иштирокида сайёр тартибда ҳам семинарлар уюштирилди. 2008 йилда Ҳазорасп туманида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш режа жадвалига асосан 74 та текшириш ўтказилди. Бу эса текширишларнинг 2007 йилга нисбатан 4 тага, 2006 йилга қиёслаганда эса 7 тага камайганлигини кўрсатади. 2009 йилда текширишлар режаси мазкур Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланди. Унда 55 та корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш мўлжалланган. Бу эса йилдан-йилга тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятини эркинлаштиришга хизмат қилади.

XXI аср фожиаси

Жиноят занжири

қаерда боғланади?

ТРАНСМИЛЛИЙ ЖИНОЯТЛАР сирасига кирувчи одам савдоси бугунги кунда бутун дунёда авж ола бошлаганини жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган муаммолардан бирига айланган.

МАЪЛУМОТЛАРГА қараганда, дунёда ҳар кун 200 мингдан 500 минггача одам шундай мудҳиш, ноқонуний хатти-ҳаракатга дучор бўлади. Уларнинг 60 фоизини аёллар, 40 фоизини эркеклар ташкил этади. Дунё бўйлаб одам савдосидан жиноятчилар чўнтагига тушадиган фойда 10-15 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Шунинг таъкидлаш лозимки, одам савдоси ёки шунга ўхшаш бошқа жиноятчилик турлари тўғрисида аниқ рақамларни келтириш мушкул. Бу ҳолат ушбу жиноятнинг латентлиги, яъни очилмай қолиш даражасининг юқорилиги билан изоҳланади. Қанчадан-қанча одамлар ушбу жиноятнинг қурбонига айланса-да, ўзлари тўғрисидаги маълумотлар ошқор бўлишидан уялиб, тегишли органларга мурожаат этишмайди. Шунинг учун одам савдоси қурбонларини ҳимоя қилиш ҳамда "савдогарлар"ни тегишлича жавобгарликка тортиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Жамиятда аёллар дискриминацияси, паст даражадаги савдохонлик, коррупция, ёлгон реклама эълонларини тарқатиш ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар одам савдосининг ривожланишига олиб келувчи омиллар ҳисобланади. Одам савдоси жиноий занжир бўлиб, унга қарши ҳар томонлама кураш олиб борилмас экан, ижобий натижага эришиш қийин. Одам савдоси биринчидан қўлчиланишнинг замонавий кўриниши бўлиб, инсон ҳуқуқларининг қўпол ҳамда шафқатсизларча бузилшидир. У орқали ишланган маблағлар кўп ҳолларда гиёвандлик воситалари ва қурол-яроғлар савдосидан келиб

тушган бойликлар сингари халқаро терроризмнинг ҳамда бошқа халқаро жиноятларнинг молиявий асосини ташкил этади. Иккинчидан, жамият генофон-



ҳамда маънавиятини унутишига олиб келади. Бешинчидан, одам савдосидан энг кўп зарар қўрган қатлам — воёга етмаганлар эканлигидир. Бу миллатлар келажагига болта уриш билан баробар, Одам савдоси чегара билмас, шунинг учун кўп хижатлари билан контрабанда жиноятига ўхшашдир. Унинг замирида инсонни тахрирлаш, эксплуатация қилиш ётади. У халқаро характерга эгаллиги учун ҳам унинг олдини олишда давлатлар ҳамкорлиги талаб этилади. Халқаро конвенциялар давлатлар томонидан имплементация қилиниши, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши устидан қучли назорат ўрнатилиши трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ва бартараф этишининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, ҳар бир инсон ён атрофида юз бераётган ҳодисаларга бефарқ бўлмаган ҳолда муносабатда бўлиши лозим.

Зариф ДАВРОНОВ, хусусий нотариус

УЗОҚРОҚ ЖОЙДАН ёки ҳар кунгидай ишдан уйга қайтар экансиз, ўзингиз истиқомат қилаётган маҳаллага етганингизда "уйга ҳам келиб қолдик", дейсиз беҳижтёр. Маҳалла-қўйдаги таниш одамларга кўзингиз тушса, юзингизга табассум ҳам югуради, одамгарчилик, меҳр-оқибат каби фазилат ва инсонийлик туйғуларини дилнингизни тўлдирди. Маҳалла ҳудди ўз хонадонингиз каби сизни бағрига олади, кўнглингиз хотиржам тортади.



ЯНАДА чуқурроқ назар ташласак, ҳар бир хонадондаги оила тинчлиги, одамларнинг бир-бирига маънаван ҳамхўрлик қилиши маҳаллага хос эканлигини англайсиз. Ота оиланинг устуни, хонадондаги каттаю кичикка энг биринчи ибрат тўлиқлиги бўлгани каби маҳалла оқсоқолига шу ерда истиқомат қилувчилар, аввало, катта ҳурмат билан қаради. Зеро, ҳар бир хонадоннинг қувончу ташвиши, муаммолари маҳалла оқсоқолининг ҳам дилидан кечиси шубҳасиз. Маҳалла аҳли бир оила аъзолари каби бир-бирига суянадилар, тўй-ҳашамларда биргаликда қувонса, ташвишли кунларда ҳамдард, қўмақдос бўладилар. Бу яқинлик, очиги, ҳатто қам-қариндошлик ришталаридан ҳам мустаҳкамроқ бўлиб кетишини сиз кўп кургансиз.

Халқ таъбири билан айтганда, одамлар бошини қовуштиришда, аҳиллик қарор топишда оқсоқолининг ўрни жуда катта. Шу боис у барчага маънавий ибрат, ҳаммаинг маслаҳатгўйи, ёш каттанинг ташвишидан оғоҳ киши. Маҳалла миллий ўзлигини шундай самимий ва ҳаётий ифодабалаб турувчи азиз гўша, хонадонимиз каби муқаддас. Юртимизда шу юксак кадрятларимиз жамланган ибратли оқсоқоллар, уларга бош-қош бўлаётган маҳалла оқсоқоли фазилатли етакчилар кўп... Афсуски, гурч қурмакисиз бўлмаганидек, шундай одамлар орасида ҳам ўз оёғи-этиборига номуносиб иш тутувчи кишилар ҳам учраб туради. Сўзимиз бошида маҳаллани хонадонимизга бежиз қиёс қилмадик. Кимдир ўз уйда арзиманг ўғирлик қилиб қўйса, шу оиладан барака кетиши тайин.

Айниқса, хонадон соҳибининг ўғирлик қилишидан худонинг ўзи асрасин, дейсиз-да. Бу фикрни иккинчи уйимиз бўлган маҳаллага нисбатан ҳам айтиш ноўрин бўлмас. Тошкент шаҳрининг "Чилонзор туманидаги" маҳалла "Бахористон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳабибулла Рихсиевга маҳалладошларининг аввалгидай ибрат кўзи билан қарашини энди даргумон. У ўзининг беъмаъни бир қилмиши билан ҳаммаининг умиди, ишончини суиистеъмол қилиб қўйди. Нафси олдида инсоний фазилатлар, бировнинг ҳақини емаслик, айниқса, ёрдамга муҳтож кишилар ҳақида хиёнат қилмаслик каби миллий кадрятларимизни ҳам унутиб юборди.

У маъсул мансабдор шахс бўлгани ҳолда Чилонзор тумани ҳокимининг 2007 йил 28 декабрдаги "Чилонзор туманида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тўғрисида"ги фармойишига асосан "Тошкент иссиқлик маркази" ОАЖ томонидан мазкур маҳалла аҳолисининг иссиқлик энергияси ва иссиқ сувдан қарздорлигини қўлаб беришга йўналтирилган 10.000.000 сўм маблағи унга ишониб топширилганлигидан фойдаланиб, ўз хоҳишича тақсимлашга киришади. Унинг антика қилмишига қараб, ажабо, пул марҳумини тириктиради, деб ўйлаган чоғи, дейсиз. Чунки Ҳ.Рихсиев 1995 йилда вафот этган уруш қатнашчиси, марҳум отаси Ҳ.Рихсиев номида турган Гулистон мавзеси, 55-уй, 51-хонадоннинг иссиқлик энергиясидан бўлган 482.800 сўм қарздорлигини ёпиш учун 600.000 сўм маблағни ҳеч хижолат бўлиб ўтирмаддан сарфлайди. Бу билан кам таъминланган оилалар мулкни талон-торож қилиб, кам таъминланган оилалар рўйхатида киритилмаган бўлса-да, ўзи яшаётган мазкур уйнинг мавжуд қарзидан осонгина қутулади. Мендан нима кетди, қабилада иш тўтиб, ҳатто қарзига нисбатан кўп пул ўтказиб, кейинги ташвишларини ҳам бироз енгиллаштириб қўйишдан ўзини тиймайди, "сахий"ликин қаранг.

Иссиқлик энергияси ва иссиқ сувдан қарздорлиги бўлган кам таъминланган бу нарсанинг қомига тушган киши эл ичиде обрўсини йўқотади. Маҳаллага бошқоқ бўлган бу икки қимса ҳам нафс домида қилиб, ён-атрофдагилар кўз ўнгиде ўз ҳурмат-иззатидан айрилади. Элининг назаридан қолишдан эса ёмоний йўқ.

Дилором МАТКАРИМОВА, "Инсон ва қонун" мухбири

Footer containing contact information for 'INSON VA QONUN' newspaper, including address, phone numbers, and subscription rates.